АБДУХАШИМ АБДУЛЛАЕВ ВИЛОЯТ ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАСИ МУДИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ

Абдуллаев Абдухашим Абдуллаевич Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фарғона вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири этиб тайинланди.

Фарғона вилояти Халқ қабулхонасида вилоят ҳокимлиги вакиллари ҳамда шаҳар-туманлар халқ қабулхоналари раҳбарлари иштирокида ўтган тадбирда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Авазбек Ўринбоев томонидан ушбу тайинлов ўқиб эшиттирилди.

Абдухашим Абдуллаев 1950 йилда Фарғона туманида туғилган. Фарғона политехника институтини тамомлаган.

1972-1990 йилларда Фарғона ёғ-мой комбинатида, Фарғона "Азот" ишлаб чиқариш бирлашмасида турли лавозимларда меҳнат қилган.

1990-1991 йилларда Фарғона шаҳар партия қўмитаси тафтиш комиссияси раиси бўлган.
1991-1992 йилларда ЎзХДП Фарғона шаҳар Кенгаши биринчи котиби бўлиб ишлаган.

1992-1994 йилларда Фарғона "Азот" ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, 1994 йилда Ўзбекистон кимё саноати уюшмаси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғининг ўринбосари сифатида меҳнат қилган.

1994-2005 йилларда Фарғона "Азот" ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари, бош директори лавозимларида ишлаган.

2005-2006 йилларда Марғилон шаҳар ҳокими, 2006-2008 йилларда Фарғона вилояти ҳокими бўлган.

2008-2015 йилларда Фарғона "Азот" ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари, 2015-2017 йилларда “Фарғонаазот" акциядорлик жамияти бош директорининг биринчи ўринбосари, 2017-2019 йилларда “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқарув раиси бўлган.

Абдухашим Абдуллаев 2006 йилда "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланган.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,
2021-07-22 11:15:41